

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

_____ куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Исхаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Э.ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат М.Хамраев, жабрланувчи А.ХХХХнинг иштирокида, ХХХХ ХХХХга нисбатан _____ сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХ ХХХХ (ХХХХ), _____ куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, _____ истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2022 йил 15 апрелдан буён қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 26 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбланган;

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХХ ХХХХ 2020 йил 25 октябрь куни соат 02:00ларда, Тошкент шаҳар, _____

_____ қаршида бўла туриб, фуқаро ХХХХ ХХХХ билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида, ўзининг таниши ХХХХ ХХХХ билан бир гуруҳда, А.ХХХХнинг танасининг турли қисмларига уриб, унга қасддан тан жароҳати етказганлар.

2020 йил 30 октябрдаги 3884-Якуб сонли суд-тиббий экспертизаси, фуқаро А.ХХХХнинг танасида – бурун суягини ёпиқ силжиб синиши, ўнг қош, ўнг кўз ташқи бурчаги соҳаларида кесилган (тикилган) яралар, бошнинг тепа соҳаси, бўйин орқа юзаси соҳаларида шилинмалардан иборат тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, бу жароҳатлар “ўртача оғир” тан жароҳатлари туркумига кириши ҳақида ҳулоса берган.

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди 2022 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра ХХХХ ХХХХ мазкур ҳолат юзасидан судланган.

Судланувчи ХХХХ ХХХХ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2020 йил 24 октябрь куни соат 23:00ларда таниши ХХХХни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 19-мавзесида жойлашган уйига меҳмонга борганлигини,



Ф.ХХХХни уйига борган вақтида у ерда танишлари ХХХХ Салим, Тошпўлат ва Бехруз исмли танишлари бўлишганлигини, у ерда улар билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб, биргаликда овқатланишганини, С.ХХХХни шаръий турмуш ўртоғи ХХХХ Гўзал унга телефон қилганлигини, “тез етиб келинг, уй эгаси маст ҳолатда уйга келиб, жанжал қиляпти” деб айтганлигини, шунда С.ХХХХ унга “юринг бориб келайлик” деб айтганлигини, С.ХХХХни таклифига рози бўлганлигини, Ф.ХХХХ хам улар билан биргаликда чиқиб, Ф.ХХХХ ўзининг бошқарувидаги “Жентра” русумли автомашинасида Учтепа тумани, [REDACTED] олдига келишганликларини, уй эгаси кейинчалик исми шарифи маълум бўлган ХХХХ ХХХХ ва у билан бирга бўлган ХХХХ Шукурулло туришганлигини кўрганлигини, С.ХХХХ шунда А.ХХХХ билан алоҳида ўтиб суҳбатлашганлигини, улар ўзаро суҳбати жараёнида ўзаро келишолмай бақир-чақир қилишганликларини, А.ХХХХ устидаги кийимини ечиб, автомашинага ташлаганлигини, шунда Ф.ХХХХ автомашинасига ўтириб кетиб қолганини, С.ХХХХ белидан пичоқ чиқарганлигини ва А.ХХХХ томонга қараб юрганлигини, Ф.ХХХХ С.ХХХХни пичоқ чиқариб, А.ХХХХ томонга қараб борганлигини кўрмаганлигини, у С.ХХХХни белидан пичоқ чиқариб А.ХХХХ томонга қараб борганлигини кўрганидан сўнг у томонга қараб югуриб борганлигини, А.ХХХХ ва унинг шериги Ш.ХХХХ қочишганлигини, у А.ХХХХни қочиб кетаётганлигини кўриб, унинг ортидан қувлаганлигини, С.ХХХХ эса Ш.ХХХХни ортидан қувлаб кетганлигини, А.ХХХХни ортидан югуриб ушлаб тўхтатганлигини ва қўлини ички томони билан А.ХХХХни бўйин аралаш жағ қисмига урганлигини, буни натижасида А.ХХХХ ерга ўтириб қолганлигини, шунда у А.ХХХХни юз қисмига муштлаб, бир неча маротаба урганлигини, шунда С.ХХХХни буни кўриб, ёнига югуриб келиб, қўлидаги пичоғини А.ХХХХга тиқмоқчи бўлганида унга “тиқма, тўхта” деб бақирганлигини, С.ХХХХ пичоқни дастаси билан А.ХХХХни бош қисмига икки-уч маротаба урганлигини, шу вақтда С.ХХХХ уни чап қўл устки қисмини қўлида ушлаб турган пичоғи билан кесиб юборганлигини, уларни 10-15 қадам узоқроқда Ш.ХХХХ уларни кузатиб турганини кўриб, унинг ортидан қувлаб кетганини, шу орада Г.ХХХХ уни қўли қонаётганлигини айтганидан сўнг тўхтаб, ерда ётган С.ХХХХни пичоғини ердан олиб, С.ХХХХ билан катта йўлга югуриб чиқишганида Ф.ХХХХ кетиб бўлганлигини кўриб, йўл юзидан такси тўхтатиб, кетишганини, уйга келганидан сўнг қўлини бинт билан боғлаганлигини, лекин қон тўхтамаганлиги сабабли шифохонасига борганлигини, шифокорлар ундан нима бўлганлигини сўрашаганида у уларга жаҳл устида қўли билан ойнани урганида ойна синиб, қўлини кесиб юборганлигини айтганлигини, шундан сўнг шифокорлар унга биринчи ёрдам кўрсатишганлигини, эртаси куни у Қашқадарё вилоятига, уйига кетганлигини, бин неча кундан сўнг у Россия Федерациясига ишлашга кетганлигини, Россия Федерациядан қайтиб келган вақтида уйига Учтепа тумани ИИО ФМБдан хат борганлигини, ўша вақтда келиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини ва қидирув эълон қилинганлигини билганлигини, у билан илгари бундай ҳолат юз бермаганлиги сабабли қўрқиб кетганлигини ва Учтепа тумани ИИО ФМБга



ўз ихтиёри билан келишга кўрққанлигини, жанжал юз берган куни кўлида ва ёнида пичоқ ва шунга ўхшаш ўткир тўғли жисм бўлмаганлигини, у у ерга уришиш ва А.ХХХХ билан тортишиш мақсадида бормаганлигини, шу куни С.ХХХХни шаръий турмуш ўртоғи Г.ХХХХ С.ХХХХга телефон қилиб, уй эгаси маст аҳволда ичиб келиб, унга тегажонлик қилаётганлигини айтгани учун келган эканлигини қилган иши жиноят эканлигини тушуниб етганлигини, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчи Юлдашев ХХХХдан қилган иши учун узр сўраганлигини, улар ўзаро ярашиб олганлигини, ҳозирда турмуш ўртоғи ҳомиладор эканлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Э.ХХХХ ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, унинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг кўйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, жабрланувчи ХХХХ ХХХХ суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатан ҳам у Учтепа тумани 25-мавзе 5-уй 17-хонадонини оиласи билан бошқа жойга кўчиб ўтганлиги сабабли ижарага бермоқчи бўлганлигини, 2020 йил 14 октябрь куни исмини ХХХХ Салим деб таништирган шахс ХХХХ Гўзал исмли қиз билан келиб, уни хотини деб таништирганлигини, уларни оғзаки келишув билан ижарага қўйишга рози бўлганини, лекин никоҳ шартномасини тақдим қилишганидан сўнг шартнома асосида ижарага қўйишини айтганини, С.ХХХХ бир-икки кунда никоҳ шартномасини беришини айтганидан сўнг рози бўлиб уларни ижарага уйга киритганини, С.ХХХХ ва унинг турмуш ўртоғидан бир неча мартаба никоҳ қоғозини тақдим қилишини, шундан сўнг ижара шартномаси тузишларини айтганларида улар турли баҳоналарни айтиб, уларни алдаб келганлигини, шу орада укаси ХХХХ Шукурулло турмуш ўртоғига телефон қилиб, ижарага қўйган уйларида аёл кишилар кўпайиб кетганлигини ва турли хил кишилар кириб чиқиб юрганлигини, буни назорат қилиб қўйишини айтганлигини, шундан кейин 2020 йил 24 октябрь куни соат 22:30да турмуш ўртоғи уйда неча киши яшаётганлигини билиш мақсадида Учтепа тумани 25-мавзе 5-уй 17-хонадонга келганлигини, уйга келиб ичкарига кирганида ХХХХ Гўзалдан ташқари икки нафар аёлни у ерда кўрганини, Г.ХХХХдандан никоҳ шартномасини кўрсатишини сўраганида у унга никоҳ шартномаси турмуш ўртоғида эканлигини айтганлигини, ундан турмуш ўртоғига телефон қилиб чақиришини сўраганлигини, шундан сўнг у С.ХХХХга телефон орқали кўнғироқ қилиб, уйга тез етиб келишини, уй эгалари уйга келиб уни безовта қилаётганлигини айтганлигини, шундан сўнг С.ХХХХ соат 02:00ларда келганини, шунда укаси ХХХХ Шукурулло билан ташқарига чиққан вақтида шовқин бўлаётганлигини кўрганлигини, зинадан пастга тушиб, нима бўлаётганлигини билмоқчи бўлганида укаси Ш.ХХХХ “эҳтиёт бўлинг кўлида пичоғи бор” деб унга бақирганлигини, шу орада С.ХХХХ кўлида пичоғи билан уни қувлаб қолганлигини, у қочиб қолгани учун тиқа



олмаганлигини, шунда С.ХХХХ уни ортидан қувлаганлигини, шу орада Э.ХХХХ хам қаердандир югуриб келиб, укасига ташланиб кетганлигини, қочаётган вақтида ерга йиқилиб тушганлигини, бундан С.ХХХХ ва унинг шериги Э.ХХХХ фойдаланиб, танасини турли қисмларига тегиб урганлигини, Э.ХХХХ қўлида пичоқ бор эканлигини кўрмаганлигини, С.ХХХХ қўлидаги пичоғи билан ўнг кўзига, танасининг орқа томонига, елкасига ва бўйнига, шунингдек бошини турли жойларига кесиб тан жароҳати етказганлигини, устида бўлган кийимларини қўлида бўлган пичоғи билан кесиб ва йиртиб ташлаганлигини, судланувчининг унинг чўнтагини қовлашганлигини эслай олмаслигини, пули йўқолганлигини, орадан бир кун ўтганидан кейин билганлигини, прокуратурага ариза ёзганидан кейин пулини судланувчи олиб қўйганлиги ҳақида хабар берганлигини, ҳақиқатдан дастлабки ёзган аризасида пул ҳақида кўрсатмаганлигини, кейин эса пул ҳақида эслаб бу ҳақда ариза, тушунтириш хатларида кўрсатганлигини, аммо воқеа содир бўлгандан кейин бир йилдан ортиқ вақт ўтганлиги сабабли воқеа тафсилотларини тўлиқ билмаслигини, лекин айнан унинг пулини судланувчи олган олмаганлигини аниқ айта олмаслигини ва бу ҳолатни эслай олмаслигини, судланувчи билан ўзаро ярашиб олганини, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчига нисбатан енгиллик бериб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Э.ХХХХнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қўидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаган ва дастлабки терговда берган кўрсатувлари процесс иштирокчилари ва судланувчининг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатувлари судланувчи томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги, жабрланувчининг аризаси, суд-тиббий экспертиза хулосаси, шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари, судга оид биологик экспертиза хулосаси, суд трасологик экспертиза хулосаси, нарсани қабул қилиш ва нарсани кўздан кечириш баённомаси, нарсани далилий ашё деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, Э.ХХХХнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотоиловалар, Э.ХХХХнинг ўз айбига иқрорлик аризаси, юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Э.ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди, яъни



“содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган, бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш”да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида амалий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавfliлик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Э.ХХХХга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, уни ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, оилавий ва мулкый аҳволини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида бетоб онаси, қари бувиси, ҳомиладор турмуш ўртоғи борлигини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасини Э.ХХХХнинг шахсини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг



“и” банди билан ушбу модда санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ва бунда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, Э.ХХХХни дастлабки қамоқда сақланган вақтини ҳисобга олишни, шунингдек, Э.ХХХХга озодликни чеклаш жазосини ўзининг яшаш хонадонида ўташликни белгилаб, Э.ХХХХнинг зиммасига: -назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик; - алкогольли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаслик ҳамда Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ёзма далилларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни ҳамда жабрланувчи А.ХХХХ томонидан тақдим этилган бир дона эркаклар майкаси, бир дона кул рангли свитер, бир дона кул рангли жинси шим ва компакт дискка ёзиб олинган видеоматериаллар тақдири С.ХХХХга оид жиноят ишида ҳал қилинганини инобатга олишни лозим топади.

Шу билан бир қаторда суд, жабрланувчи ХХХХ ХХХХни судланувчи Э.ХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини эътиборга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

ХХХХ ХХХХ (ХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХХ ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХХ ХХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, 2022 йил 15 апрелдан 2022 йил 20 июнга қадар дастлабки қамоқда сақланган вақти, яъни жами 66 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан 2 (икки) ой 6 (олти) кунни чегириб ташлаб, Э.ХХХХга узил-кесил ўташ учун **3 (уч) йил 9 (тўққиз) ой 24 (йигирма тўрт) кун** муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Э.ХХХХга озодликни чеклаш жазосини

соат 21:00дан 06:00га қадар ўташ белгилансин.

Э.ХХХХнинг озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Э.ХХХХнинг яшаш жойидаги Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Э.ХХХХнинг зиммасига:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;



-алкоголли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаслик;

-Қашқадарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Э.ХХХХга жазони ўташ даврида ўзига нисбатан белгиланган чекланишларни бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Э.ХХХХга қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у суд залида дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи ХХХХ ХХХХни судланувчи ХХХХ ХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ёзма далиллар жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда жабрланувчи А.ХХХХ томонидан тақдим этилган бир дона эркаклар майкаси, бир дона кул рангли свитер, бир дона кул рангли жинси шим ва компакт дискка ёзиб олинган видеомаълумотлар тақдири С.ХХХХга оид жиноят ишида ҳал қилингани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Каримов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

